Туркистонда ўн беш йилча хукмронлик килган чоризм генерали фон Кауфман Тошкентда козилик килган Мухаммад Хакимхўжа эшон хакида: "У зот Худодан бўлак хеч кимдан кўркмаган ажойиб инсон эди" дея, энг зўр ракибига тан беришга мажбур бўлган. Мухаммад Хакимхўжа эшон вафотидан сўнг козикалонлик лавозими бархам топиб, Себзор даха козиси мансабини у кишининг ўгли Мухиддинхўжа эгаллайди. Мухиддинхўжа хам маърифатпарвар, халкнинг маданиятли бўлиши хакида кўп кайгурувчи, илм-фанни суйган киши эди. Даврининг илгор зиёлиларидан бўлган Мухиддинхўжанинг шахсий кутубхонасида жамланган ноёб кўлёзмалар каторида Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома"сининг жахонда ягона мукаммал нусхаси хам бор эди (ундаги тўксон сахифадан иборат кириш кисми бошка бирорта нусхада учрамайди). Ана шу ноёб китоб билан боглик бир вокеа козининг нечогли маърифатли бўлганига далолатдир.

Ўша давр манбаларидан маълум бўлишича, Мухиддинхўжа козининг маърифатпарварлик фаолияти генерал-губернаторликка хам, махаллий мутаассибларга хам асло ёкмаган. 1899 йил охирларида ана шу адоват туфайли козининг ашаддий душманлари уни бир даъвогардан катта пора олишда айбламокчи бўлишади. Сирдарё губернатори, вилоят прокурори, шахар хокими каби мустамлакачи амалдорлар катнашган шахар козилари йигинида шу масалани кўриб чикишга карор килинади.

Йигинга Мухиддинхўжанинг порахўр эмаслигини исботлаш учун йигирма чогли холис гувох келади. Лекин улардан бирортасининг сўзини эшитишмайди. Аксинча, Мухиддинхўжани Каломуллох билан касам ичишга мажбурлашади. Куръон билан касам ичиш гоят огир хол эканини, касамхўрлик эл-юртда макбул иш эмаслигини билган Мухиддинхўжа йигилганлардан холис гувохлар сўзини эьтиборга олишни илтимос килади. Лекин улар касддан оёк тираб туриб олгач, касам ичишдан кўра тухмат килинган маблагни тўлашни афзал билиб, йигинни тарк этади.

Бирок бунча маблагни тўлашга козининг курби етмас эди. Шу важдан ота-боболаридан колган ягона бойлик — каттагина ажойиб богига харбий ташкилотни ижарага кўйиб, "карз"дан кутулмокчи бўлади.

Орадан бир неча ой ўтаб, 1900 йилги Халкаро Париж кўргазмасидан Мухиддинхўжа кози номига шошилинч телеграмма келади. Унда илгарирок кози Париж кўргазмасига юборган Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома"сининг ноёб нусхасини катга маблаг тўлаб, сотиб олишга розилик сўралган эди. Сил касали билан огриётган, айни пайтда иктисодий танг ахволда турган козига биргина ана шу кўлёзмани сотиш кифоя киларди. Аммо маънавий хазинанинг ноёб дурдонасини хеч нарсага алишмай, телеграф оркали рад жавобини беради ва кўлёзмани ўзига кайтаришларини сўрайди. Шу тарика маърифатпарвар кози Мухиддинхўжа соглигини бериб, обрўйини тўкиб бўлса хам, "Зафарнома"ни келгуси авлодлар учун саклаб колади.

Шариф ЮСУПОВ,
адабиётшунос ва муаррих
Манба: Шариф Юсупов. «Тарих ва адаб бўстони», Т., «Маънавият», 2003, 63-6.